МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

ШАНБА

2014 йил 19 июль,
№60 (1027)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Эзгулик масканига ташриф

Халқимизнинг имон-эътиқод, меҳр-оқибат, хайру саховат, одамийлик, ҳамжиҳатлик сингари эзгу хислатлари маънавий ҳаётимизни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида азалий урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий мажмуалари, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом қадамжолари каби муқаддас масканларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда бундай обидалар юртимизнинг энг файзли ва табаррук гўшаларига айланди. Шулар қаторида Тошкент Ислом университети ташкил қилиниб, ушбу илм масканида талабаларнинг диний маърифат асосларини чуқур эгаллаши учун зарур шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай хайрли ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида янги муҳташам масжид биноси барпо қилинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 18 июль куни ана шу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиш керакки, Юртбошимизнинг ғоя ва таклифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг азалий анъана ва услубларидан фойдаланган ҳолда ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда моҳир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган Анҳор ва унинг атрофидаги жойлар ободонлаштирилиб, пойтахт қиёфасига алоҳида кўрк ва чирой бағишламоқда.

Бу ишларнинг барчаси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг гўзалликдан баҳра олиб, мазмунли дам олишлари, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда аввало пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир ғиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муҳташам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурур-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

■ ЎзА

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

■ ЎзА олган сурат.

Тарбияда энг яқин ва зарур кўмакчи

Фарзандларнинг маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб камол топишлари, аввало, оиладаги муҳитга, шунингдек, ота-оналарнинг саводхонлик даражасига боғлиқ. Бунда ота-оналарнинг маънавий, психологик, ҳуқуқий, тиббий-биологик ва иқтисодий билимларини кучайтириш, уларнинг мазкур билим, кўникмаларни пухта эгаллашлари учун замонавий усуллардан фойдаланишда маҳалла билан ҳамкорлик, мактаб ҳамда жамоатчиликнинг ўрнини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

■ Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Фуқаролар йиғинлари ҳузурида фаолият юритаётган «Ота-оналар университети» мазкур мақсадларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бухоро туманидаги «Сўфикоргар» маҳалласи ҳузуридаги мазкур университетда ўтган қисқа вақт давомида муайян натижаларга эришилди. Чунончи, маҳаллада ҳар ойнинг учинчи чоршанбаси «Ота-оналар куни» сифатида белгиланиб, ҳудуддаги 7-, 40- ва 45-умумтаълим мактабларида улар иштирокида «Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни» мавзусида ўқувлар ташкил этилмоқда.

> [2]

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Кураги ерга тегмас ўзбек полвонин

Ёш авлодни спортга жалб этишда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бош бўлаётгани, ҳомийлик кўрсатаётгани таҳсинга сазовор.

■ Н. АСЛОН

Жойларда оммавий спорт турларини ривожлантириш нафақат болаларни жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали бўлишига шароит яратади, балки уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашади, фарзандларимизни турли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан сақлайди. Умрини беҳуда ўтказмаган, жисмоний тарбия билан шуғулланган болалардан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, улар асло ҳуқуқбузарликларга қўл урмайди.

Тизим ҳомийлигида ўтказилиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги», «Ўзбек жанг санъати», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» сингари спорт мусобақаларининг фарзандларимиз вақтини мазмунли ташкил этишида аҳамияти катта бўлаётир.

> [4]

САРҲИСОБ

Улуғ мақсад йўлидаги улкан масъулият

Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2014 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви масъуллари, ҳудудий бўлимлар раислари иштирок этди.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан Ватанимизни янада обод этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ҳар соҳада ўз самарасини беряпти. Соғлом бола йилининг биринчи ярми ҳам ўтган йилларнинг мантиқий давоми сифатида кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғвор мақсадга эришиш йўлида муҳим давр бўлди. Бу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш янги-янги марраларни забт этиш имконини беради, албатта.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Танлов нуфузи тобора ортаётир

Эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракат, албатта, ўз ижобатини топади. Бунинг учун астойдил меҳнат, интилиш бўлса кифоя. Халқимизнинг кўп асрлик орзу-умидлари, интилишлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Юртдошларимиз ҳурлик, озодлик эпкинидан баҳра олиб, ўзлигини, қадр-қимматини англади. Миллатимизнинг бебаҳо қадриятлари, энг яхши удум ва анъаналарини ўзида мужассам этган маҳалла мустақиллик шарофати билан ҳуқуқий мақомига, қонуний ваколатларига эга бўлди.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Иқтисодий қудрати тобора юксалиб бораётган давлатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланадиган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жадал суръатларда давом этмоқда. Бугунги фуқаролар йиғини бундан 23 йил аввалги маҳалладан тамоман фарқ қилади. Аввалари фақат маълумотнома ёзиб бериш билан чекланган ушбу орган бугун нафақат аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланди, айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатишни муваффақиятли уддалаб келмоқда.

> [2]

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Фаоллар ҳиссаси иш бошида асқатади

Мирзачўл туманидаги «Ержар» маҳалласида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлиги ортди, ҳудуд обод бўлди. 30 нафардан зиёд кишининг ўз бизнесини муваффақиятли юритиб келаётганида, албатта, йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси ҳамда «Маслаҳат маркази» фаолларининг ҳиссаси беқиёс.

■ Бек НАЗАР
«Mahalla»

— Илгари тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлганлар ишни нимадан бошлашда, молиявий масалаларни ҳал қилишда бироз қийинчиликларга дуч келишарди, — дейди «Ержар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Воҳид Қодиров. — Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашувчи «Маслаҳат марказлари»нинг ташкил этилгани бизнес юритиш истагидаги фуқароларга қўл келмоқда.

> [3]

МУНОСАБАТ

Тинч ҳаётимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдевори

Тонготар паллани буғдойзорда қарши олганмисиз?! Осмон узра чарақлаб кўтарилаётган қуёш нури бўлиқ бошоқларда заррин товланиши, сара ҳосилдан бош эгган буғдойзорнинг саҳарги шаббодада сокин шовуллаши қалбингизга ҳаяжон солганми?

■ Анвар РАШИДОВ,
Тошкент вилояти
Янгийўл туманидаги
«Ситорахон» фермер
хўжалиги раҳбари.

Бундай дамларнинг нақадар ҳузурбахшлигини даласида тоғлардек баланд ризқ-рўз хирмонини уйган, йил бўйи чеккан заҳмати элу юрти фаровонлигига ҳисса бўлиб қўшиладиган кишигина дилдан ҳис этади. Айниқса, меҳнатлари қадр топаётгани, эл-улуснинг миннатдорлиги, ёши улуғларнинг дуоси кишини янада руҳлантиради, кўнглига янгидан-янги эзгу орзу-мақсадларни солади.

Мен оддий фермерман. Аммо ўз ерига эга, меҳнатидан манфаат топаётган, ўз истиқболини юрт келажаги билан уйғун кўрадиган, «...фақат деҳқончилик сирларини билиш билан чекланмасдан, иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекция соҳаларидан ҳам хабардор», замон талабига «ваббай» деб жавоб бера оладиган давр кишисиман. Аммо атиги 20 йил олдин бундай натижаларни тасаввуримга ҳам сиғдиролмаганим рост.

Бир неча йилдирки, Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Ситорахон» фермер хўжалигини бошқариб келаётирман. Дастлаб 12 гектар ер олиб ташкил этган хўжалигимиз айни пайтда 160 гектар майдонга эга. Ғалла ҳосилдорлиги дастлабки йиллари гектарига ўртача 17 центнердан тўғри келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 100 центнерга етди. Фаолиятни бошлаганимизда ерга ишлов бериш учун бирор-бир эски тракторимиз ҳам йўқ эди. Айни пайтда 20 тадан зиёд қудратли агротехник машиналарга эгамиз. Уларнинг энг замонавийлари бир кунда 200 гектар ерга ишлов бериш қувватига эга. Маҳалладошларимиздан 17 нафарининг доимий меҳнат билан банд бўлишига, аъзоларимиздан 5 нафарига қишлоғимизда намунавий лойиҳалар асосидаги барпо этилган уй-жойлардан сотиб олишга эришдик. Ҳар йилги мўл ҳосилдан сўнг нафақат ишчиларимизнинг, балки маҳалла-қўйнинг ҳам уйи, омбори буғдойга тўлади.

Биз эришган бундай юксак натижалар, ютуқлар, шубҳасиз, ғалла мустақиллигига эришиш ва уни мустаҳкамлашда Президентимизнинг доно сиёсати, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани, мен каби минг-минглаб деҳқонларнинг ўзини ернинг эгаси деб ҳис қилаётгани ҳамда меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилда 8 миллион 50 минг тонна сара дон йиғиштириб олган мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган табриклари шахсан мен учун ҳам қутлуғ мужда бўлди. Боиси унда бизнинг «Ситорахон» фермер хўжалигимизнинг номи ҳам ҳурмат билан тилга олинган. Бу эътироф бизнинг галдаги фаолиятимиз, муваффақият ва изланишларимизга қанот бағишлади. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ташкил этилган хўжалигимизни бошқарар эканман, аграр соҳадаги ҳар бир ўзгариш, янгилик ва тараққиётнинг гувоҳи, таъбир жоиз бўлса, иштирокчиси бўлиб келаётирман. Ўша йиллари мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжи учун минг бир азобларда четдан ғалла келтирилганию бора-бора ўзимизнинг донимизга эга бўлганимиз, энг қувонарлиси, айни пайтда хорижга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айланганимиз биз учун чексиз фахр ва ифтихордир.

Табрикда Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини такрор ва такрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қиламиз».

Юртимизда тўкин-сочинлик. Кунда-кунора байрам, маҳаллаларда тўю томоша. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар солсак, мамлакатимиздаги маъмурчилик, қўлга киритилаётган муваффақиятлар — рақам ва кўрсаткичларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Шундай экан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, 8 миллион 50 минг тонна ғалла хирмони, бу, аввало, тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Шуни ишонч билан айта оламанки, биз фермерларга яратилаётган имкониятлар, меҳнатимизнинг қадр топаётгани боис ушбу улкан хирмон — юртдошларимизнинг ризқ-рўзи ҳали янада юксалади, кўкка бўй чўзади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Танлов нуфузи тобора ортаётир

< [1]

Фуқаролар йиғинлари томонидан улуғвор мақсадлар — юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган бу эзгу ишлар, тўпланган тажрибаларни республика миқёсида оммалаштиришда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови муҳим аҳамият касб этади. Зотан, фуқаролар йиғинларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш танловдан кўзланган асосий мақсаддир. Бу мақсад танлов Низомида ҳам ўз аксини топган.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар» Дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловини 2013-2014 йилларда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида танловнинг туман(шаҳар) босқичлари жорий йил июнь ойида республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Азамат Зоҳидов. — Танловнинг саралаш босқичларини юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида ташкилий қўмитаси аъзолари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари масъуллари ҳудудларга бириктирилди.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида танлов нуфузи йил сайин ортиб, унда иштирок этиш истагидаги фуқаролар йиғинлари сафи кенгайиб бормоқда. Мисол учун, Обод турмуш йилида танловнинг саралаш босқичларида 7249 та маҳалла иштирок этган бўлса, жорий йилда улар сони 7563 тага етди. Шундан 6781 таси маҳалла, 687 таси қишлоқ, овул, 97 таси шаҳарча фуқаролар йиғинларидир.

Танлов қатнашчиларининг чиқишлари ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Улар, асосан, учта шарт бўйича баҳолашдилар. Биринчи шартда иштирокчиларнинг ҳужжатлар ҳамда фаолиятига оид кўрсаткичлари кўриб чиқилиб, 60 баллик тизимда баҳоланди. Иккинчи шартда йиғин раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ҳамда масъул котибнинг иш фаолиятига оид 5 дақиқали тақдимот ўтказилиб, бу 45 баллик тизимда баҳоланди. Учинчи шартда эса ҳакамлар ҳайъати томонидан фуқаролар йиғинлари кундалик ҳаётида, иш фаолиятида учрайдиган муаммоли вазиятларга тезкорлик билан ечим топа олишларини аниқлаш бўйича 1 та, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда 1 та саволга берилган жавоблар 45 баллик тизимда баҳоланди.

Танловнинг жорий йилги саралаш босқичларида шу нарса аён бўлдики, бугун ушбу тадбирларга йиғин аҳли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқиши ҳам ортиб боряпти. Чунки танлов ўтадиган жой байрамона безатилиб, маҳалла ҳаётига оид шиорлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларига оид кўргазмаларнинг ташкил этилаётгани ҳам тадбир нуфузининг янада ошишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, санъаткорларнинг таширфи тадбирнинг қизиқарли ўтишини таъминламоқда.

— Танловнинг мукофот жамғармаси тобора ортиб боряпти, — дейди А.Зоҳидов. — Табиийки, бунда ҳомийларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Танловнинг жорий йилги туман(шаҳар) босқичларида фаол иштирок этган 1488 та фуқаролар йиғини муносиб тақдирланди. Биринчи ўринни қўлга киритган 161 та маҳалла, 25 та қишлоқ (овул), 8 та шаҳарча фуқаролар йиғини, иккинчи ўринга лойиқ топилган 168 та маҳалла, 22 та қишлоқ(овул), 5 та шаҳарча фуқаролар йиғини, учинчи ўринга муносиб кўрилган 167 та маҳалла, 21 та қишлоқ(овул), 7 та шаҳарча фуқаролар йиғинларига Фонд тузилмалари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, танловнинг туман(шаҳар) босқичларида фаол иштирок этган 901 та маҳалла, 93 та қишлоқ(овул), 22 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари ҳам турли номинациялар бўйича тақдирланди. Ушбу мақсадларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлинмалари ҳисобидан 9 миллион 800 минг сўм, ҳомийлар ҳисобидан эса 6 миллион 800 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Жорий йилнинг август ойида ушбу танловнинг вилоят ҳамда республика босқичини ўтказиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг нуфузи янада ошиб бораверади. Зеро, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида маҳаллаларда қўлга киритилган ютуқ ва тажрибалардан фойдаланиш, уларни кенг миқёсда оммалаштириш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

САРҲИСОБ

Улуғ мақсад йўлидаги улкан масъулият

< [1]

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Йиғилишни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов кириш сўзи билан очар экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган устувор вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича Фонд тизимида тегишли чора-тадбирлар белгиланганини қайд этди.

Айни пайтда юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрамига «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Ушбу муҳим ишларда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш Фонд тузилмалари зиммасидаги масъулиятли вазифалардандир.

Ўтган давр мобайнида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий тадбирларни уюштириш, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2014 йилга мўлжалланган Иш режаси ижросини таъминлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди, — дея сўзида давом этди А.Аҳмедов. — Хусусан, Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда аҳолига кенг тарғиб этиш мақсадида 123 та семинар, 11 мингга яқин тарғибот тадбири ташкил этилди. Шунингдек, Президентимизнинг асарлари, маърузаларида белгиланган мақсад ва вазифаларни аҳолига тушунтириш бўйича 17 мингдан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари уюштирилди.

Ҳисобот даврида маҳаллаларда фуқароларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этувчи 300 мингга яқин тадбирни ташкил этишда фуқаролар йиғинларига услубий-амалий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги глобаллашув даври ўзининг айрим имкониятларидан баҳраманд этаётгани билан бирга, ўта таҳликали, ғайрли мақсадларини ҳам ёшлар онгига сингдирмоқда. Айниқса, диний экстремизм, миссионерлик, ақидапарастлик каби иллатлар баъзи ёшларимизни ўз таъсирига олаётгани аянчли ҳолдир. Маҳаллаларда ҳамкор ташкилотлар билан бирга ушбу иллатларга барҳам беришга қаратилган 21 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» ва «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш бўйича 30 мингдан зиёд тарғибот ишлари амалга оширилди. Натижада ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари кескин камайди. Ҳар бир ёш ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини онгли равишда англаб етмоқда.

Ҳозир юртимизда маҳалла ваколатлари кенгайдики, бирор-бир масала унинг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Оддий бир мисол. Умумтаълим мактабларини тамомлаган йигит-қизларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этишда маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати яхши самара беряпти. Жорий ўқув йилида 9-синфни тамомлаган 501 минг 234 нафар ўқувчини республикамизнинг 1412 та касб-ҳунар коллежи, 143 та академик лицейига қамраб олинишида жамоатчилик назорати кўл келди. Шунингдек, чет давлатларга ишлагани кетган 9-синф битирувчиларидан 965 нафарини ўз юртига қайтаришда маҳалла фаоллари таълим муассасалари ва ҳудудий профилактика инспекторларига кўмаклашди.

— Албатта, фуқаролар йиғинлари томонидан кенг қамровли ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш бевосита маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлигига боғлиқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси Акромжон Йўлбарсов. — Шу боис Фонд тузилмалари томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиляпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида Фонднинг ҳудудий бўлимлари томонидан 421 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 488 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди. Шунингдек, истиқлол байрами арафасида республика миқёсида 8 та маҳалла барча шароитга эга замонавий биносига эга бўлди. Жорий йилнинг шу даврида 67 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди.

Натижада йиғинларда иш самарадорлиги сезиларли даражада ошиб, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламига манзилли ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланди. Ҳисобот даврида умумхалқ байрамлари ва шонли саналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўйича 6 мингга яқин тадбир ташкил этилди. 41,2 мингта ижтимоий кўмакка муҳтож оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Фонд ҳисобидан ушбу мақсадларга 2 миллиард 515 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Фонд томонидан 4 минг нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда меҳнат фахрийсига байрам совғалари тарқатилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида эса 6 минг нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари театр ва концерт томошаларига жалб этилди ҳамда уларнинг республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилди.

Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари ҳам ҳар доимгидек Фонд мутасаддилари эътиборида. Зеро, кўнгли ўксикларга мурувват кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос фазилатлардан. Шу боис ҳисобот даврида уларнинг 3693 нафарига «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 219,6 миллион сўмлик кийим-бош ҳадя этилди.

Фонд бўлим ва бўлинмалари томонидан биринчи ярим йилликда 22 нафар ногиронга махсус аравача, 18 нафарига қўлтиқтаёк, 10 нафарига эшитиш мосламаси, 22 нафарига ҳасса ва бошқа зарур ортопедик қурилмалар тухфа этилди. Бунинг учун Фонд ҳисобидан 4,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ёзги таътил бошланиши билан Фонд тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари зиммасига яна бир масъулиятли вазифа юклатилади. У ҳам бўлса, кам таъминланган оилалар фарзандларини ёзги оромгоҳларда бепул дам олдиришдир. Жорий йилда шу тоифадаги ёшларни бепул соғломлаштириш, оромгоҳларда дам олишларини ташкил этиш мақсадида 700 нафар боланинг рўйхати шакллантирилди. Ҳозиргача улардан 474 нафари оромгоҳларда дам олишди. Ушбу тадбирлар учун ҳудудий бўлим ва бўлинмалар ҳисобидан 106,94 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Ҳисобот даврида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жами 5 миллиард 548 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Айниқса, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда бевосита уларнинг ҳаётий тажрибаси, ширинсуханлиги ва ташаббускорлиги қўл келади. Жорий йилнинг биринчи ярмида республикадаги 7 миллион 600 мингдан зиёд оиладан 4 миллион 146 мингдан ортиғи ўрганиб, 470 мингга яқин нотинч оилага зарур ёрдамлар кўрсатилди. Маслаҳатчилар томонидан оилаларни ўрганиш жараёнида 301510 та оилада ишсизлик муаммоси аниқланиб, кўрилган чоралар натижасида 156709 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 40060 та оиладаги низоларнинг олди олинди, 3295 та эрта никоҳга барҳам берилди, 87817 та оилага моддий, 181687 тасига тиббий ёрдам кўрсатилди. Бу ишларда фаоллик кўрсатган энг намунали маслаҳатчилар жорий йилнинг 2 июль куни Навоий шаҳрида ташкил этилган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичида юқори ўринларни қўлга киритдилар.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ота-оналарнинг ёш авлод тарбияси бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида 8984 та фуқаролар йиғинида «Ота-оналар университетлари» фаолият юритмоқда. Фонд тузилмалари томонидан маҳаллаларда ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш бўйича 50777 та тадбир ўтказилишига кўмаклашилди.

Фонд томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақалари 8402 та фуқаролар йиғинида давом эттирилди. Турнирга 1,1 миллион нафарга яқин ёш қамраб олинди. «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири мусобақаларига 151 минг нафардан зиёд йигит-қизнинг иштироки таъминлангани ҳам тадбирда айтиб ўтилди.

Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан ижро интизоми, қуйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингни амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан Фонднинг вилоятлар бўлимлари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Қизғин мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

РАМАЗОН ҲИКМАТЛАРИ

«Мурувват — борича бермаклик»

Рамазоннинг файзиёб кунлари давом этиб, юртимизга Яратганнинг раҳмати ёғилаётган айни паллада юртдошларимиз кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга мурувват ва саховат ёрдамларини кўрсатишмоқда. Табиийки, эзгулик маскани ҳисобланган маҳаллаларда бу ишларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Зебо ОМОНОВА, журналист.

Пойтахтимиз марказида жойлашган «Ҳадра» маҳалласи фаоллари фазилатли кунларни ғанимат билиб, ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак беришаётир.

Йиғин раиси Мансур Валиҳўжаевнинг маҳаллага раис бўлиб сайланганига энди 7 ой бўлди. Бироқ шу қисқа вақт мобайнида раис ўзининг фидойилиги, хайрли амалларда ташаббускорлиги билан каттаю кичикнинг кўнглига йўл топди.

Ҳудудда яшовчи Ўлмас Пирматова ҳам фарзанди вафотидан кейин ёлғизланиб қолганини, маҳалла фаолларининг доимий эътибори туфайли унинг ҳаётига ёруғлик инганини айтади.

— Маҳалламизда Рамазон ойи муносабати билан эзгу амаллар кенг қулоч ёйди, — дейди Ў.Пирматова. — Йиғин мутасаддилари ҳамда ҳомийлар томонидан мен каби яккаёлғиз фуқароларга совғалар тарқатилди, беморларга меҳр-мурувват кўрсатилиб, улар ҳолидан хабар олинди. Биласизми, киши кексайганда кўнгли нозик бўлади. Бундай ёшда ким унга меҳр берса, бир умр унга боғланиб қоларкан.

Маҳалла раисининг ташаббуси билан ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга тадбиркорлар бириктирилган. Айни пайтда саховатпеша ҳомийлар нафақат якка-ёлғиз кексалар, балки кам таъминланган оила фарзандларига ҳам Рамазон қувончини улашмоқда. Мисол учун, йиғин ҳудудидаги «Скоплий» ўйинчоқлар дўкони директори 14 нафар ногирон болага ўйинчоқлар ҳамда совғалар тарқатди. «Вилла мода» тикувчилик цехи маъмурияти эса муборак ойда 10 нафар боқувчисини йўқотган оила фарзандларига кийим-бош ҳадя этди.

Хуллас, бугун маҳаллаларда савобталаб, эзгу ишларга бош қўшаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Чунки улар ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, «мурувват — борича бермаклик» эканини эзгу шиорга айлантиришган.

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

Тарбияда энг яқин ва зарур кўмакчи

< [1]

— Оила ҳуқуқи, маънавияти, бошқаруви, иқтисодиёти, тиббий-биологик асослари, маънавий-ахлоқий тарбия ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалалар қамраб олинадиган бу каби ўқувларда ота-оналар тегишли соҳа мутахассисларидан оилавий таълим-тарбия борасида зарур билим ва кўникмаларни олишмоқда, — дейди ушбу маҳалланинг «Ота-оналар университети» раҳбари, ўқитувчи Исмат Адизов. — Албатта, бу каби ҳаракатларимиз ота-оналарнинг ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий саводхонлиги даражаси ошиб бориши маҳалладаги оилаларда соғлом муҳит қарор топишида ўзига хос омил бўлмоқда.

«Ота-оналар университети» аъзолари томонидан, аввало, ҳар бир оиланинг шарт-шароити, маънавий муҳити ўрганиб чиқилди. Вояга етаётган болалар, уларга ота-оналари томонидан кўрсатилаётган эътибор чуқур таҳлил қилиниб, натижалар асосида айрим оилалар билан индивидуал суҳбатлар ўтказишга тўғри келди. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида жойлашган мактаблар маъмурияти ва ўқитувчилари билан ҳам мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Ҳар бир ўқувчининг дарсларга қатнаши, хулқ-атвори ўрганилиб, тарбиясида камчилиги борларининг ота-оналари билан мулоқот олиб борилади.

— Йиғинимиз туман марказида жойлашгани боис ҳудуддаги болаларнинг аксарияти бўш вақтларини интернет клубларда ёки компьютер ўйинлари марказларида ўтказишарди, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Очилова. — Фарзандининг бу жойларда ўтиришидан ота-оналар ўзларича хотиржам бўлишади. Аммо ана шундай ўйинлар сабаб ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришга қизиқиши пасаяётгани, баъзи ҳолларда эса давоматга салбий таъсир кўрсатаётгани хусусида ўқитувчилар шикоят қилишди. Бунинг олдини олиш мақсадида университетимиз ўқув дастурида «Интернет ва компьютер ўйинлари: ижобий ва салбий жиҳатлар» мавзусида машғулот ташкил этдик. Унда иштирок этган мутахассис, руҳшунос ҳамда тиббиётчилардан иборат экспертлар гуруҳи компьютерни ўрганиш, интернетда ахборот алмашинувининг бола дунёқарашида ўзига хос ижобий омилларини эътироф этиш баробарида мазкур ишлар ҳам бевосита ота-оналар назоратида амалга оширилиши лозимлигини, компьютерда узоқ вақт ўтириш саломатликка салбий таъсир кўрсатиши, зўравонлик, беҳаё тасвирлар фарзанд руҳиятига оғир зарба етказишини аниқ мисоллар орқали тушунтириб бердилар. Машғулотимиздан сўнг бевосита ота-оналар фаоллиги билан ўқувчиларнинг интернет клубларидан мақсадсиз фойдаланиши олди олинди. Аксарият ота-оналар фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун уларни спорт ва ҳунармандчилик тўгаракларига бириктиришди.

Айни пайтда маҳалла раиси Тоҳир Файзуллаев, ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти мудираси Мавлуда Ҳайитова, отинойи Навбаҳор Раҳматова сингари фидойилардан таркиб топган университет ходимлари фарзанд тарбиясида ота-оналарга яқин кўмакчи. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида 2013 йилда ушбу маҳалла «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови вилоят босқичида «Энг намунали «Ота-оналар университети» фаолияти» номинациясида ғолиб бўлди.

Мухтасар айтганда, фаоллар томонидан олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар фарзанд тарбияси, уларнинг муносиб таълим олиши, саломатлигини таъминлаш йўлида ота-оналарга яқин кўмакчи бўлмоқда.

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Фаоллар ҳиссаси иш бошида асқатади

< [1]

Йиғин қошидаги «Маслаҳат маркази» тажрибали тадбиркор, ҳунарманд ва ҳуқуқшунослардан иборат. Улар бизнес-режа тузиш, банкдан кредит олиш, давлат рўйхатидан ўтиш бўйича йўл-йўриқлар беришаётир. Қувонарлиси, марказда қисқа муддатли ўқув курслар ташкил этилган. Унда тадбиркорликни бошлаш истагидаги шахслар ҳисоб юритиш, бизнесни бошқариш услублари хусусида маълумотларга эга бўлишмоқда.

Абдуҳаким Бекназаров яқинда «Маслаҳат маркази» аъзолари тавсияси ва ёрдами билан йиғин биносидаги бўш хонада компьютер ва электротехник буюмларни тузатадиган устахона очди. Натижада 3 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, жорий йилда «Маслаҳат маркази» кўмагида ҳудудда битта новвойхона, иккита дўкон ишга тушди. Тўртта оила ҳунармандчилик йўналишида тадбиркорликка киришди.

Марказ ходимлари саъй-ҳаракати билан аҳолининг шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиб, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида салмоқли натижалар кўзга ташланмоқда. Йўлдош Суюнов барпо қилган янги боғ ана шу интилиш, изланишлар самарасидир. Ҳозирда боғбон ҳосилга кирган дарахтлардан яхшигина даромад топяпти. Ундан ўрнак олган Жаббор Мингбоев, Абдусалом Саидқосимовнинг оилавий тадбиркорлиги ҳам айнан боғдорчилик ортидан ривожланмоқда.

«Ержар»лик фаолларнинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги тажрибалари ҳудуд иқтисодиётини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

Кўча, боғ, хиёбонлар ўзгача тароватда

Фарғона шаҳрида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари шаҳар ҳуснини, унинг меъморий кўринишини тубдан ўзгартириб юборди. Бугун Фарғонанинг қай бир гўшасига борсангиз кўча ва хиёбонлар, боғлар ўзгача тароват касб этаётганига гувоҳ бўласиз.

■ **Расул КАМОЛ**
«Mahalla»

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига сафари, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги қимматли йўл-йўриқлари аҳолини руҳлантирмоқда, янги зафарлар сари ундамоқда.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш мақсадида 27 километр масофадаги ичимлик суви, 15 километр узунликдаги электр ва 18 километр газ тармоқлари янгиланди. Кичик ҳалқа йўлининг 14,2 километр қисмидаги қурилиш ишларининг биринчи босқичи якунланди. Алишер Навоий ва Аҳмад Фарғоний шоҳкўчалари, Қувасой кўчасидаги янги кўринишдаги кенг ва равон йўллар, пиёдалар йўлаклари, автобус бекатларининг замонавий кўринишидан дил яйрайди.

Фарғона шаҳридаги санъат саройи, унинг атрофидаги 40 гектарли яшил майдон, сув спорти мажмуаси, халқаро аэропорт биноси ва бошқа қурилишлар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Бундай кошоналар фақат иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатлардагина қисқа муддатларда бунёд этилади.

Шаҳарни кесиб ўтган Марғилонсой кўприкларини қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бугунги кунгача 1 та янги кўприк қурилди, 8 таси реконструкция қилинди, қолган 7 та кўприкда қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Хусусан, Мустақиллик шаҳарчасида бунёдкорлик ишлари авжида. Умумий майдони 41 гектарни ташкил этган маскан қурилишининг биринчи босқичида 12 та кўп қаватли уй барпо этилди. Ушбу иморатлар ҳудуд аҳолиси учун мустақиллигимизнинг 23 йиллигига муносиб туҳфа бўлади. Айниқса, 20 минг футбол ишқибозини ўз бағрига оладиган стадион қурилишида сўнгги ишлар бажарилмоқда. Атрофдаги 9 гектар майдонга 3 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ўйингоҳга мос тарздаги янги футбол мактабида қурилиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Мазкур тармоқлар ҳам истиқлол шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилади.

Шаҳар иситиш тизимини яхшилаш дастури доирасида 45 километр масофадаги иссиқлик тармоғини қуриш, 3 та қозонхонани реконструкция қилиш устида иш олиб бориляпти. Натижада 46 та ижтимоий соҳа муассасалари, 264 та кўп қаватли уйлар иссиқлик билан таъминланади.

Шаҳар кўча ва хиёбонларини замонавий талабларга монанд кўкаламзорлаштириш мақсадида 4600 туп биологик касалланган ва қуриган, йўл ҳаракати тизимига халақит бераётган дарахт олиб ташланди. Улар ўрнида кўча ландшафти ва архитектурасига мос каштан, япон сафораси экилди. Айни кунгача шаҳардаги 100 гектардан ортиқ майдон кўкаламзорлаштирилди.

— Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари маҳаллалар ҳудудларини обод қилиш, йўллар ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини тартибга келтириш, янгилаш борасида ҳам изчил иш олиб бориляпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Акрамжон Йўлбарсов. — Шу кунгача «Ифтихор», «Собирбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларида бўш турган эски бино ўрнида замонавий маҳалла гузарлари қурилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Мустақиллик кўчасида «Ёшлар маркази» ташкил этилмоқда. Фарғоний номидаги истироҳат боғида 100 ўринли қўғирчоқ театри фойдаланишга топширилди. «Янги сой» маҳалла фуқаролар йиғинидаги боғ реконструкция қилиниб, замонавий аттракцион ўрнатилди. Қиргули мавзесидаги собиқ «Дўстлик» кинотеатри негизида Ёшлар маданий-маърифий кўнгилочар маркази ташкил этилмоқда. Муҳими, 95 та болалар майдончаси янгидан жиҳозланди.

Мухтасар айтганда, Фарғона шаҳрида кенг қамровли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Замонавий хиёбонлар, йўл ва йўлаклар, кўприк ва фавворалари қуриш ишлари поёнига етди. Бу масканлар айни кунда фарғоналиклар ҳамда меҳмонларнинг севимли масканига айланди. Ҳа, истиқлол туфайли гўзал Фарғонанинг янги қиёфаси кун сайин чирой очмоқда.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Турмушингдан андоза, гар уйинг бўлса тоза

Хивадан йил-ўн икки ой дунёнинг олис-яқин манзилларидан ташриф буюрган меҳмон ва сайёҳларнинг қадами узилмайди. Биз фаоллар эса, қадимий кентимизнинг озода ва ободлиги, кўркам ва хушманзаралигини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз. Ниятимиз — дунё аҳлининг Хива ҳақидаги тасаввури янада ойдин, унутилмас бўлсин.

■ **Дилбар МУРОДОВА,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Хива тумани бўлинмаси бош мутахассиси.

Мамлакатимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари Хивада ҳам авж палласига чиққан. Ҳудудимиз тобора чирой очмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси ободонликка ҳисса қўшиш, ҳудудларни озода ва ораста сақлашда қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ён-атрофда чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши, айниқса, ёз жазирамасида турли нохушликларни келтириб чиқариши, юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ҳудудни тоза ва озода сақлашда мустаҳкам тизим шакллантирилган. Унга мувофиқ, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаб олиб кетиш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ ишлар тартибга солинади. Бундай саъй-ҳаракатлар чиқиндиларнинг кишилар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни 12-моддасида таъкидланганидек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам бу борада муайян ваколатларга эга. Жумладан, ушбу органлар чиқинди объектларини тегишли ҳудудда жойлаштиришда иштирок этадилар, аҳоли пунктларининг санитария жиҳатидан тозаланишига ҳамда маиший-рўзғор чиқиндиларини тўплаб олиб кетилгани учун тўловларнинг вақтида амалга оширилишига кўмаклашади. Бундан ташқари, чиқинди тўпланадиган объектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

Туманимизда 53 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бирида Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссиялар тузилиб, аҳоли ўртасида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Саломатлик секторларида экологик маданият ва шахсий гигиенанинг инсон саломатлигини сақлашдаги муҳим аҳамияти аниқ мисоллар воситасида тушунтирилмоқда. Бўлинмамиз бундай тарғибот тадбирларининг самарали ташкиллаштирилишида йиғинларга кўмакдош. Тадбирларда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда санитария эпидемиология маркази шифокорлари, туман ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг ҳам қатнашаётгани бу борада ечимини кутаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилишида асосий омил бўлаётир.

Туманимиздаги 4 та маҳалланинг кўп қаватли уйлар жойлашган қисмида маиший чиқиндилар учун махсус жойлар ташкил қилиниб, контейнерлар ўрнатилган. Айни пайтда ҳар куни туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан қўйилган автомашиналар тўпланган чиқиндиларни ташиб кетмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, туманимизда чиқиндилар тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида бажарилаётган ишлар фуқаролар ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини, табиат мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Корхона кўпайса, эҳтиёж ҳам ортади

Шаҳримиз аҳолисининг аксариятини меҳнат ёшидаги кишилар, ёш йигит-қизлар ташкил этади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмасининг ҳамкор ташкилотлар кўмагида айнан аҳоли бандлигини таъминлашга қаратган эътибори туфайли ишсизлар сони йилдан-йилга камаймоқда.

■ **Равшан ХЎЖАЕВ,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгиер шаҳар бўлинмаси раиси.

Кишиларда тадбиркорлик қобилияти бўй кўрсатаётир. Айниқса, маҳаллаларнинг оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантирилиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда қатор ваколатларга эга бўлгани қисқа фурсатда улкан натижалар туҳфа этди.

Бу борада бизда ўзига хос тажриба шаклланган. Яъни ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилишига эришилмоқда. Шаҳардаги «Полимер — Бунёдкор» масъулияти чекланган жамияти ташкил топган йилиёқ 25 нафар ишчини бағрига олди. Корхонада сифатли, пишиқ, харидоргир черепицалар тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Маҳсулотлар асосан чиқиндилар — полиэтилен буюм, целлофан, қоғоз ҳамда оддий қум ва турли ранглар қоришмасидан тайёрланмоқда. Уларнинг пишиқ-пухталиги ва сифати буюртмаларнинг кўпайишини таъминламоқда. Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида барпо этилаётган намунали лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши «Полимер — Бунёдкор» черепицаларига эҳтиёжни оширди. Бугунги кунда мазкур жамият черепицалари Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларидаги талабгорларга ҳам манзур бўлмоқда. Корхонанинг қайта модернизация қилиниши яна 50 та иш ўрни яратилишига омил бўлди.

«Шоҳакбар бек файз» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси Сирдарё вилоятида биринчилар қаторида бўёқ ва эмульсия ишлаб чиқаришга киришди. Корхонада дастлаб 12 нафар ёш доимий иш жойига эга бўлди. Бўёқлар сифати, ҳамёнбоплиги билан тез орада харидорлар қизиқишини уйғотди ва корхона кенгайиб, унинг қошида ёрдамчи хўжаликлар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга тушди. Айни пайтда бу ерда бир кунда 2,5 тонна эмульсия ва етти хил рангдаги 600 килограмм буёқ ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, хусусий корхонада яна 15 нафар йигит-қиз иш ўрни билан таъминланди.

Аҳоли бандлиги — фаровонликни юксалтиришнинг бош омили. Бу вазифага маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаётир. Жумладан, шаҳримизда хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектларининг ишга туширилаётгани туфайли жорий йилнинг шу даврида 55 нафардан кўпроқ маҳаллий ёш иш билан таъминланди.

Шаҳарда юзлаб кичик ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларининг фаолият кўрсатаётгани ишчи кучига эҳтиёжни ошираётир. Бу эса ҳудудларни обод, оилаларни мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ҳаловатдан тинчлик учун кечилади

...Ярим тун. Кўчалардаги симёғоч чироқлари атрофни ёритиб турибди. Майин шабада, осуда оқшом кишига хушкайфият бахш этади. Бундай сокин паллада ҳамма ширин уйқуда. Аммо шундай касб эгалари борки, улар ўз юртдошлари тинчлиги йўлида ҳузур-ҳаловатларидан кечиб, ҳар қандай қийинчилик ва машаққатга бардош беришади. Ана шундай фидойилар сафида маҳалла посбонлари ҳам бор.

■ **Ҳуснидин ХОЛДОРОВ.**

Самарқанд вилояти Нарпай тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада 366 та хонадон мавжуд. Сўнгги беш йилда бу маҳаллада ҳуқуқбузарлик ёки нотинчлик кузатилмади. Бунда, албатта, фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг хизмати катта.

— Мамлакатимизда маҳалла ва оила институтларини уйғун ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор сақлашда қўл келаётир, — дейди «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Рустам Мансуров. — Маҳалла ваколатларининг кенгайтирилгани кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари тамойилининг амалга ошаётганидан далолатдир. Шу боис юртимиз тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиётига катта ҳисса қўшаётган илғор маҳаллаларимизнинг тажрибасини ўрганишга бир қатор хориж давлатларида ҳам катта қизиқиш билан қаралаётгани бизни ғурурлантиради.

Ушбу маҳаллада олиб борилаётган ишлар билан танишар эканмиз, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли можароларнинг келиб чиқишига чек қўйиш, фуқаролар хавфсизликларини таъминлаш бўйича кенг қамровли профилактик тадбирлар кутилган натижаларни бераётганига амин бўлдик. Жумладан, ҳудудда бир неча йиллардан буён ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмади, оилаларда маънавий муҳит барқарор. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни муайян касб-ҳунар, спорт орқали соғломлаштиришга йўналтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг кўлами катта.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Давр-банк» давр билан ҳамоҳангликда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали оилалар турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши республикамиз тижорат банклари зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

■ **Юлдуз ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

«Давр-банк» ХЁАТБ ҳам соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан. Унинг моддий кўмаги туфайли юртдошларимиз орасида ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар сафи кенгаймоқда.

«Давр-банк» фаолиятини кузатиб шунга амин бўлдикки, жорий йилда банк капиталлашув даражасини оширишга, ресурс базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни амалга ошириш, инвестицион фаолликни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб, барча кўрсаткичларнинг барқарор бўлишига эриша олди.

Иқтисодиётнинг энг ҳаракатчан ва самарадор бўғини — хусусий тадбиркорликка шароит яратишда, аввало, кишиларнинг бошланғич сармоясини шакллантириш жоизлигини яхши англаган банк жамоаси бу борада мижозларга яқиндан далда бўлмоқда.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юрт келажаги учун замин ҳозирлайди. «Давр-банк» фаолиятида ҳам ёш ва интилувчан, мақсади қатъий йигит-қизларнинг бизнес лойиҳаларини амалиётга муваффақиятли жорий этишга жиддий киришилган.

Сардор Абдувалиев 20 ёшда. Айни пайтда Тошкент аграр университети фермерлик бошқаруви факультетида таълим олаётган йигит бир неча йилдирки, пойтахт вилоятининг Бўка туманидаги «Чорвадор-бўрдоқибизнес» деҳқон хўжалигига раҳбарлик қилади.

— «Давр-банк» — ишончли ҳамкорим, — дейди С.Абдувалиев. — Айнан унинг кўмагида чорва молларини боқишни йўлга қўйдим. Чорвачилик — сердаромад соҳа. Уни ривожлантиришга бағишланган бизнес лойиҳам маъқулланиб, менга дастлаб 60 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Маблағни хўжаликни ташкил этиш ва моддий базани мустаҳкамлашга сарфладим. Айни пайтда 50 бош қорамол ва 45 бош қўйни гўшт учун боқаётирмиз. Бизнес лойиҳамни қўллаб-қувватлаган «Давр-банк» жамоасидан миннатдорман. Бозорларимизда гўшт маҳсулотлари нархининг барқарорлиги, юртдошларимиз дастурхонлари тўкинлиги йўлида амалга ошираётган ушбу фаолиятимизга ишонч билдирилгани менга катта далда бўлди. Яқинда банкдан яна 90 миллион сўм кредит олиб, «ISUZU» юк машинасини харид қилдим. Чорвачиликда юк машинасига доим эҳтиёж бор. Хўжалигимизнинг ўз машинасига эга бўлгани юк ташиш ишларидаги муаммоларга барҳам берди. Келажакдаги мақсадларим ойдин. Хўжалигимни кенгайтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман. Бундай ниятларимнинг амалга ошиши, аввало, Юртбошимиз раҳнамолигида тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, қулай шарт-шароит билан боғлиқ. Шу билан бирга доимий ва ишончли ҳамкорим — «Давр-банк»нинг молиявий кўмаги ҳам мақсадларимга қанот бағишлади, албатта.

«Давр-банк» ХЁАТБ фаолиятидан бу каби кўплаб мижозлар миннатдор. Муҳими, муассаса мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётир.

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Кураги ерга тегмас ўзбек полвонин

< [1]

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 февралда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 37-сон мажлис баёни билан тасдиқланган дастурнинг 40-банди ижросини таъминлаш юзасидан «2013-2014 йилларда кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарори бу борада дастуриламал бўлаётир.

Кураш мусобақаларининг ҳудудий босқичларини юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Табиийки, мазкур жараёнда манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда иш олиб борилди.

Дарҳақиқат, жорий йилги кураш мусобақалари 6 та вазн тоифасида, жумладан, 2000-2001 йилларда туғилган 46, 50, 55 кг. вазндаги ўғил болалар ҳамда 44, 48, 52 кг. вазн тоифасидаги қиз болалар ўртасида уюштирилди. Албатта, бундай ўзига хос спорт байрамлари қизғин ва муросасиз кечади. Унинг иштирокчилари сонининг йил сайин ортиб бориши ҳам табиий ҳол. Агар беллашувлар 2011 йилда 7412 та, 2012 йилда 8097 та, 2013 йилда 8299 та маҳаллада ташкил этилган бўлса, жорий йилги баҳслар 8472 та маҳаллада олиб борилди. Барча босқичларда 151571 нафар ўғил-қизнинг иштироки таъминланди. Қиёслаш учун бу кўрсаткичнинг 2011 йилда 98547, 2012 йилда 130776, 2013 йилда 145861 нафар қатнашчидан иборат бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Албатта, юқорида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг самаралари хусусида тўхталдик. Бироқ кураш мусобақаларининг бошқа, маҳаллага хос бўлган айрича бир хусусияти ҳам бор. Мисол учун, жорий йилги баҳсларда 24219 нафар кам таъминланган оила фарзандлари гиламга тушди. Бундан ташқари, 3209 нафар тарбияси оғир ўсмир ҳам давра айланиб бел олишди. Бу нимани англатади? Албатта, маҳалла институтининг етакчи мақсад ва вазифаларидан бири — ижтимоий ҳимоя амалга оширилганини! Ҳа, кураш мусобақаларини ўтказишдан кўзланган мурод фақат фарзандларни жисмонан чиниқтиришдан иборат эмас. Уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятга мослашишига кўмаклашиш, дўстлар орттириши, мулоқот қилиши учун шарт-шароит яратиш ҳам ана шу эзгу амалларнинг узвий қисмидир.

— Бу йилги беллашувларнинг ўтган йилгиларидан муайян фарқи бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Жумладан, жорий йилда 2013 йилдагига нисбатан яна қўшимча 173 та маҳаллада кураш мусобақалари ташкил этилди. Бошқача айтганда, «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақалари ўтган манзиллар сони 2,8 фоизга ортди. Бу кўрсаткичнинг ортиб боришида Қорақалпоғистон Республикаси (146 та), Тошкент шаҳри (34 та), Фарғона (54 та), Навоий (24 та), Самарқанд (12 та) вилоятлари маҳаллаларининг муносиб ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, жорий йилги мусобақаларда иштирокчилар сони 5710 нафарга ёки 3,9 фоизга кўпайди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси (2004 та), Хоразм (5275 та), Қашқадарё (2286 та), Андижон (2276 та), Навоий (1945 та), Фарғона (1103 та) ва Самарқанд (738 та) вилоятлари маҳаллалари пешқадамлик қилди. Ёш полвонларнинг ҳеч бири эътибор ва рағбатдан четда қолмади. Турнир мусобақаларининг маҳаллалараро босқичларини ташкил этиш ва иштирокчиларни рағбатлантириш учун Фондининг ҳудудий тузилмалари томонидан 46,2 млн. сўм, ҳамкор ташкилотлар ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 135,2 млн. сўм маблағ сарфланди.

Бинобарин, «Маҳалламиз паҳлавонлари» беллашувларининг туман ва шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари замонавий ва кўркам спорт объектларида ўтказилди. Кураги ерга тегмаган 84 нафар ўғил-қиз ташкилий қўмиталарнинг қимматбаҳо совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Шу кунларда нуфузли турнирнинг республика бўйича финал беллашувларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:

«ТАЪТИЛ — 2014»

Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада:

«ШОДИЁНА»
(АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1»
(ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:	Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-91-45
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навоий вилоят филиали	436 770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-75
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-70-05
Сирғали филиали	371 257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366 233-65-47
Андижон вилоят филиали	374 298-02-10	Афросиёб филиали	366 221-75-40
Асака филиали	374 233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-07-41
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-56
Марғилон филиали	373 237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362 226-96-03
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Қўқон филиали	373 552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Таътилнинг ҳар куни мазмунли ва фойдали

«Бўстон» — Янгиқўрғон туманидаги номига муносиб маҳаллалардан. Ҳудудда ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги ишларни фуқаролар йиғини қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси мувофиқлаштириб боради.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Илҳомжон РАҲМАТОВ, Наманган вилояти.

Йиғинда кейинги икки йил мобайнида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида бирорта жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилмади.

— Комиссия фаолиятини янги қабул қилинган Намунавий низом асосида йўлга қўйганимиз, айниқса, ўз ижобий натижаларини бермоқда, — дейди «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумажид Муродиллаев. — Жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олиш ҳамда уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилаётган мусобақалар, оммавий тадбирларда, энг аввало, ҳуқуқбузарликларга мойиллиги бор, профилактика инспекторлари рўйхатида турувчи ёшларни қамраб олишга, уюшмаган ёшларни фаолликка ундашга асосий эътибор қаратилади. Мазкур соҳада ҳудуд профилактика инспектори, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, таълим муассасалари мутасаддилари энг яқин ҳамкорларимизга айланган. Улар комиссиянинг фаол аъзолари ҳисобланишади.

Комиссия томонидан маҳалла ўсмирларининг ёзги таътил давридаги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида яқинда ҳудуддаги 21-умумтаълим мактабида спорт мусобақалари ҳамда иншо ва расмлар танлови уюштирилди. Узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия берган меҳнат фахрийлари Абдулазиз Мубораков, Исмоил Алихўжаев, Комилжон Ҳамроев хотирасига бағишланган ушбу тадбирларда икки юз нафардан зиёд ўқувчи қатнашди. Маҳалла ёшлари спортнинг футбол, шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро куч синашган бўлсалар, юқори синф ўқувчилари эркин мавзудаги иншолар ҳамда она-Ватан, маҳалла тасвирлари туширилган расмлари билан ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

— Ушбу баҳслар қарийб икки ҳафта давом этди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўктамхон Муборакова. — Шу муддат ичида маҳалла ёшларининг аксарияти спорт мусобақалари ва танловларда қатнашчи ёки мухлис сифатида иштирок этди. Ҳамманинг бўш вақти кўнгилли ва фойдали ўтди.

Тадбир якунига бағишланган тантанали маросим маҳалланинг катта-кичиги иштирокидаги ажойиб байрамга айланди.

Таъкидлаш жоизки, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокидаги бу каби оммавий тадбирлар барчага манзур бўлмоқда. Шу боис фаоллар уларни анъанавий тарзда давом эттиришга, ёзги таътилнинг ҳар кунини мазмунли ўтказишга келишиб олишди.

Дунё бўйлаб

Ёстиқчалар хавфсизми?

Германиянинг «BMW» концерни дунё бўйича 1,6 миллион дона автомобилини қайтариб оладиган бўлди.

Бунга хавфсизлик ёстиқчасидаги нуқсон сабаб. Концерн расмий медиа-порталида қайд этилишича, мазкур носозлик 1999 йил май ойидан 2006 йил августига қадар ишлаб чиқарилган машиналарда кузатилган. Уларнинг эгалари «BMW»нинг расмий диллерларига учрашишса, муаммо тахминан бир соат ичида ҳал қилиб берилади.

Концерн жорий йилнинг июнь ойида айнан шундай носозлик туфайли 100 минг дона машинани қайтариб олганди. Ўтган йил октябрда эса 176 минг дона автомобилнинг тормоз тизимида нуқсон борлиги аниқланганди. 2012 йил мартда 1,3 миллиондан зиёд машина аккумулятори нотўғри ишлаётгани учун қайтариб олинган.

Тўфон қолдирган из

Филиппинда «Гленда» номини олган тўфон қирққа яқин кишини ҳаётдан олиб кетган.

«GMANews»га кўра, саккиз нафар киши бедарак йўқолган, 10 нафар киши жароҳатланган. Табиий офат хавф солган ҳудудлардан 530 мингдан зиёд киши кўчирилган. Тўфон оқибатида етти мингта уй вайрон бўлган, 20 мингтага яқини зарар кўрган. Минглаб гектар қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон бўлган.

Бундан ташқари, 15 та йўл, тўртта кўприк ювилиб кетган. Кўплаб электр станциялари, телефон линиялари ишдан чиққан. Ҳозирда уларни тиклаш устида иш олиб борилмоқда.

Тўфон авиақатновларга ҳам жиддий халақит берган. Жумладан, 200 дан зиёд халқаро ва маҳаллий парвозлар қолдирилган. Тўфон анча кучсизланган ҳолда Хитой жанубий ва Гонконг сари йўл олган.

«СОҒЛОМЖОН-ПОЛВОНЖОН»

Эпчил, тезкор ва зукко кичкинтойлар

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур» шиори остида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасидаги «Соғломжон-полвонжон» ва «Кичкинтой-ширинтой» спорт мусобақаларининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Юлдуз УСМОНОВА, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими раҳбари.

Халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида вилоятдаги барча мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган мусобақаларда тарбияланувчиларнинг эпчил, тезкор ва зукколиги аниқланди.

Мусобақада вилоятдаги 155 та мактабгача таълим муассасасининг 15685 нафар тарбияланувчиси қамраб олинди. Беллашув шартлари бўйича ғолиб чиққан жамоалар ҳудудий босқичларга йўлланмани қўлга киритишди.

Спорт мусобақаларининг туман ва шаҳар босқичлари Янгиер шаҳри ва Деҳқонобод, Наврўз шаҳарчаларида уюштирилди. Ҳудудий мусобақаларда иштирок этган 108 нафар тарбияланувчининг 54 нафарини жажжи қизалоқлар ташкил этгани аёллар спортига эътибор қаратилаётганидан далолат.

Гулистон шаҳри 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган спорт мусобақаларининг вилоят босқичида Гулистон шаҳрининг «Наргиз», Гулистон туманининг «Қалдирғоч», Мирзаобод туманининг «Ғунча», Янгиер шаҳрининг «Ширинтой» жамоалари юқори ўринларни эгаллади.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: М.Латипова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 20750 нусхада чоп этилди. Буюртма S-442 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00